O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 103 (9.141) * 1998 йил 2 сентябрь, чоршанба * Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН ТАБРИК НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни мустақиллигимизнинг етти йиллик шодиёнаси — халқимизнинг Миллий байрами билан самимий муборакбод этаман.

Дарҳақиқат, мустақиллик байрами Ўзбекистон аталмиш гўзал ва қадимий, бетакрор ва табаррук заминда яшаётган ҳар қайси инсон учун, Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди учун энг азиз, энг улуғ байрамга айланиб қолди.

Етти йил давомида амалга оширган ишларимиз бамисоли етмиш йилга тенглашиб, мамлакатимиз қиёфасини, юртимиз жамолини бутунлай ўзгартириб юборди.

Етти йиллик босиб ўтилган йўлимизга, янги тарихимизга назар ташлар эканмиз, мана шу даврда ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй бергани, нималарга эришганимиз ҳақида сарҳисоб қилар эканмиз:

— аввало, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимиздаги ислоҳотлар ва янгиланишлар орқага қайтмайдиган тус олганини тўлиқ ишонч билан айтишга ҳаққимиз бор;

— истиқлол туфайли тобора обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, қад ростлаётган янги-янги замонавий корхоналар, маданий-маиший иншоотлар, кўприклар ва йўллар, бир сўз билан айтганда, иқтисодимизнинг тобора ўсиб, мустаҳкам бўлаётганига, давлатимизнинг салоҳияти, куч-қудрати юксалаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз;

— халқаро ҳамжамиятда ва жаҳон бозорида мамлакатимиз ўрни, обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бораётганини катта мамнуният ва ифтихор билан тан оламиз;

— энг муҳими, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккури, маънавий қиёфаси ўзгараётгани, ўзлигини англаб бораётгани, жамиятимизда аҳиллик, мурувват, меҳр-оқибат каби олижаноб фазилатлар, эл-юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганини, эртанги кунга ишончимиз кучаяётганини таъкидлаймиз.

Бир сўз билан айтганда, етти йил давомида биз келажагимиз пойдеворини қўйдик, истиқлол дарахтининг чуқур илдиз отишига, фарзандларимиз бахт-саодати йўлида эркин ва фаровон турмуш барпо этишга замин яратдик.

Буларнинг барчасини Худонинг ўзи меҳнатсевар ва фидойи халқимизга инъом этган бебаҳо неъмати деб қабул қиламиз ва Яратганимизга чексиз шукроналар билдирамиз. Халқимизда «Етти қиш, етти ёзни омон ўтказган иморат асрлар бўйи салобат тўкиб туради», деган ҳикмат бор. Бугун Ўзбекистоннинг заҳматкаш ва бунёдкор халқи барпо этаётган мустақиллик иморати ҳам ана шундай мустаҳкам ва мангуликка дахлдор бўлиб қолажак, иншооллоҳ.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Барчамиз яхши биламизки, ўтган йиллар давомида эришган ютуқларимиз осонликча бўлмади. Етти йиллик янги тарих бизни ҳақиқий миллат сифатида имтиҳон қилди, сабот ва иродамизни синади.

Йўлимизда дуч келган машаққатли синов ва тўфонларни ягона халқ бўлиб яхши-ёмон кунларда қийинчиликларга бардош бериб, бир-биримизга суяниб, ҳамжиҳатликда енгиб ўтдик.

Биз бугун яхши биламизки, олдимизда турган вазифалар ва муаммоларни ечиш, одамларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларни рози қилиш учун ҳали кўп-кўп меҳнат қилишимиз даркор.

Агарки мендан олиб бораётган сиёсатимизнинг энг долзарб, энг устувор вазифаси нимадан иборат, деб сўрашса, мен шундай жавоб берардим:

Энг аввало — халқимнинг омонлиги ва фаровонлиги, обод Ватанда эркин ва озод ҳаёт кечириши. Бу вазифанинг нақадар мураккаб ва оғирлигини холисона тасаввур қилиб, танлаган йўлимиздан қайтмасдан, ислоҳотлар маъно-моҳиятини теран англаб, бир ёқадан бош чиқариб, бошлаган ишимизни охирига етказишимиз даркор.

Биринчилар қаторида мулк масаласини оқилона ҳал этиш, ҳақиқий мулк эгаларининг йўлини очиб бериб, уларнинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган сиёсатни изчил давом эттириш зарур.

Тараққиётимизнинг яна бир муҳим шарти — ҳаётимизда сақланиб келаётган эски замон асорат-иллатларидан тезроқ халос бўлишдан иборат.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Шу заминда яшаётган ҳар қайси оила, ота-она учун, жамиятимиз ва давлатимиз учун энг катта ишонч-таянчимиз, суянчимиз — ўсиб келаётган ёш авлод, севимли фарзандларимиздир.

Ёшларимизнинг билимга чанқоқлиги, мутелик ва қуллик асоратидан бутунлай озод экани бизни чексиз қувонтиради.

Бизнинг муқаддас бурчимиз — жондан азиз болаларимизга замон талаблари даражасида билим бериш, уларни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, вояга етказишдир.

Бугун эркин, барқарор ва фаровон ҳаёт қуришни истар эканмиз, бунинг энг муҳим, энг зарур гарови — юртимиз хавфсизлигини, чегараларимизнинг дахлсизлигини, кўпмиллатли Ўзбекистон фуқароларининг тотувлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир.

Бизга яқин қўшни бўлган ўлкаларда авж олган сиёсий беқарорлик, ўзаро адоват, ижтимоий ларзалар, биродаркушлик урушлари, афсуски, барҳам топганича йўқ.

Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга, ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишга, ягона уйимиз, қўрғонимиз, муқаддас оиламиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга даъват этади, фидойиликка чорлайди.

Азиз ватандошларим!

Мана шундай ҳаяжонли дамларда одамнинг кўнгли беихтиёр шеър ёки қўшиққа тўлиб кетади. Минг афсуски, мен шоир ёки қўшиқчи эмасман.

Агар Тангри таоло менга шундай истеъдод берганида эди, барчангизга, азиз дўстларим, қадрдонларим, шеърлар битган, қўшиқлар бағишлаган бўлардим. Лекин мен шу гўзал ва мўътабар оқшомда қалбимдаги энг самимий, энг эзгу туйғуларимни изҳор қилишим, айтишим зарур:

— Мен ҳаммангизни севаман! Ҳаммангизга соғлиқ-омонлик, бахту саодат тилайман!

— Мустақиллигимиз мангу яшасин!

— Эл-юртимиз омон бўлсин!

— Бугунимиз ва эртамизни Оллоҳнинг ўзи ёмон кўзлардан, бало-қазолардан, офат ва фалокатлардан асрасин, эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

## АБАДИЙ ЯНГРА, ИСТИҚЛОЛИМИЗ ТАРОНАСИ!

**Тошкент. Мустақиллик майдони. 1998 йил 31 август**

***«Дунёда етти рақами бор, унга минг бир ҳикмат ёр», дейишади. Буни пойтахтимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига Ватанимиз истиқлолининг етти йиллигини нишонлаш учун тўпланган ҳамшаҳарларимиз, меҳмонлар, ойнаи жаҳон орқали энтикиб томоша қилган, лекин қалбан Мустақиллик майдонида бўлган юртдошларимиз кўп марта дилларидан ўтказишган бўлишса ажаб эмас. Чунки етти ёшда инсон боласи ҳаётга дадил қадам қўядиган даражага етади. Мустақиллигимиз ҳам бугун етти ёшга тўлди!***



31 август куни Мустақиллик майдонида мисли йўқ тантана, шодиёналар бўлиб ўтди. Ранг-баранг чироқлар нурида майдон худди камалакдек товланади. Юракларнинг уриши эса шовуллаб турган фавворалар сингари тўлиб тошгудек. Чор атрофдаги манзаралар, нурдан яралган миноралар, кечамизни, бугунимизни намоён этиб турган рамзлар кишини беихтиёр ўтган лаҳзаларни эслашга ундайди. Ўтган етти йилда озмунча юмушлар адо этилмади. Юртимизнинг жамоли ниҳоятда гўзаллашди. Буни биргина Тошкент шаҳрининг қиёфасида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Тошкентда бўлаётган қурилишлар бутун республикамиз бағрида шижоат ва шиддат билан олиб борилмоқда.

Етти йиллик зарбдор меҳнатимизнинг меваси бўлиб равон йўллар, ажойиб бинолар, муҳташам саройлар бунёд этилди. Буларнинг ҳаммаси Мустақиллик шароф атидан. Шунинг учун ҳам ўтган ҳар йил бир мўъжиза деб баҳоланса тўғри бўлади. Етти йилимиз эса халқимизга чексиз ғурур ва сурур бахш этган етти мўъжизадир.



Соат 19.30. Мустақиллик майдонига ташриф буюрган меҳмонлар, ҳамшаҳарларимиз, хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари, халқаро ташкилотлар ходимлари Президентимиз Ислом Каримовни гулдурос қарсаклар билан, самимий олқишлар билан кутиб олдилар. Йўлбошчимиз халқимизни улуғ байрам билан қутлаб, табрик нутқи сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясининг улуғвор садолари майдон узра таралди. Ҳилпираб турган байроғимизга нигоҳ қадаб, янграётган мадҳиямизга қулоқ тутиб ҳар бир кишининг қалби сўнмас ифтихор туйғуларига ўралди.

*Келди бермоққа*
*салом осмон бугун,*
*Фахр этишга дилда бор*
*имкон бугун,*
*Кексаю ёш, барча халқ*
*шодон бугун,*
*Дилда қайнар еттита*
*достон бугун.*
*Яшнамоқда Ўзбекистон —*
*бўстон бугун!*
*Еттита қўйдик қадамни*
*алп мисол,*
*Очмоқда ҳар сония элим*
*жамол.*
*Шунчалар бўлар етуклик*
*бирла камол,*
*Дўст шоду, ағёрнинг*
*ақли лол.*
*Етти йил — етти тоғим*
*деб осмон бугун.*

Саҳнага буюк «Авесто» китобини кўтариб уч минг ёшли Бобо Зардуштий кириб келади. Унинг сўзларида тарих мужассам. Хоразму Бухоро, Самарқанду Хива — тарихимизнинг бу каби олтин зиналари — бебаҳо шаҳарлар, уларнинг бағрида етишган буюк сиймолар талайгина. Бобо Зардуштий ана шулар ҳақида сўзлар экан, ҳозирги авлодимиз боболар изидан бориши, юртимизни қанчалар улкан зафарларга элтишини чин дилдан ҳис қилдик.

7 рақами халқимизда азалдан илоҳий саналади. Шунинг учун ҳам саҳнадаги 7 ранг, 7 сайёра, 7 иқлимдан келган гўзаллар чуқур рамзий маъно касб этди.

**(Давоми 2-бетда).**

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессияси 29 августда ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия ишида иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов бошқарди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоиловнинг иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокими Қ. Нуниёзов, Фарғона вилоятидаги «Қувамебел» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси М. Исмоилов, Андижон вилояти «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо акциядорлик компанияси раиси Ш. Зайнобутдинов, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ҳокими Қ. Холдоров иштирок этди. Депутатлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов депутатларга қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тақдим этди.

Бу Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Қашқадарё вилоятидаги «Нефтгазсинов» акциядорлик жамиятининг раиси А. Абдуназаров, Тошкент шаҳар «Интер-Азия» корпорацияси бошқарувининг раиси К. Йўлдошев, Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳри ҳокими И. Эрбеков, Навоий вилоятидаги «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятининг бош директори Ў. Рўзиқулов қатнашди. Парламент бу Қонунни ҳам қабул қилди.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И. Кочмарик сессияда Ўзбекистон Республикасининг Автомобил транспорти тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ДЎСТЛИК ТАШРИФИ

***1998 йилнинг 28 августидан 1 сентябригача Ўзбекистонда Днепропетровск шаҳар мэри Николай Швец бошчилигидаги украин делегациясининг дўстона жавоб ташрифи бўлди.***



Ташриф доирасида Украинадан келган меҳмонлар Самарқанд шаҳрига бордилар, шунингдек пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, Темурийлар тарихи давлат музейида бўлдилар. Алишер Навоий номидаги Миллий боққа бордилар, гольф- клубда, Эски шаҳар ва Олий Мажлисда бўлдилар.

31 август куни пойтахт ҳокимлигида украин делегациясининг Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов билан учрашуви бўлди. Тошкент шаҳар ҳокими украин дўстларни ўзбек заминига келганлиги билан қизғин табриклади ва бу ташриф Ўзбекистон билан Украинанинг маданий ва иқтисодий ҳамкорлигида яна бир муҳим қадам бўлишига ишонч билдирди. Ўз навбатида Днепропетровск шаҳар мэри Николай Швец бутун ўзбек халқини давлатимиз мустақиллигининг етти йиллик байрами билан табриклади ҳамда ташриф якунларидан чуқур қониқиш ҳосил қилганлигини изҳор этди. У Ўзбекистон ҳамма вақт Украинада катта қизиқиш уйғотганлигини, айниқса иқтисодиёт соҳасида қизиқиш уйғотганлигини таъкидлади. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, биродарлашган шаҳарлар Тошкент билан Днепропетровск ҳиссасига мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг 60 фоизи тўғри келади. Ана шу боисдан украин делегацияси томонидан «ЮМЗ» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Днепрошина», «Днепротяжмаш», «Днепропресс» акциядорлик жамиятлари, «Сож. Инвест» ва бошқа йирик корхоналарнинг директорлар корпуси кенг тақдим этилди.

Тошкент билан Днепропетровск шаҳарлари раҳбарларининг учрашуви пайтида қимматбаҳо совғалар айирбошланди. Ўзбекистонга бўлган ташрифидан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан Днепропетровск шаҳар мэри Николай Швец жумладан шундай деди:

— Аввало биз Президентларимизнинг хоҳиш-иродасини бажармоқдамиз. Сизларга маълумки, Днепропетровскнинг кўпгина саноат корхоналари сизнинг шаҳрингиз билан энг мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатган. Биз Тошкентнинг гўзаллиги ҳақида жуда ҳам кўп эшитганмиз ва бугун биз бу гапларнинг чиндан ҳам ҳақиқат эканлигини кўриб турганлигимиздан беғоят мамнунмиз. Биз яна шунинг учун ҳам чин дилдан мамнунмизки, Ўзбекистон Президенти бизнинг ҳамкасбимиз, Тошкент шаҳар ҳокими, ҳурматли Козим Носирович Тўлагановни юксак ҳукумат мукофоти билан тақдирлади. Мен аминманки, шаҳарларимиз ўртасида нафақат иқтисодий ҳамкорлик, шунингдек маданий алоқалар ҳам кенгайгандан кенгайиб бораверади. Бунга ажойиб ва ҳайратга соладиган даражадаги гўзал шаҳрингизда бўлганлигимиз ҳам муҳим омилдир. Сизларга бахт-саодат, омад ва энг муҳими мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Кейин Днепропетровск шаҳар мэри Николай Швец бошчилигидаги украин делегацияси Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди.

*(Ўз мухбиримиз).*

*СУРАТДА: учрашув пайти.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан жаҳондаги давлат ва ҳукуматларнинг раҳбарларидан, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларидан самимий дил сўзлари изҳор этилган қутловлар келмоқда.

● Фарғонада Асакадаги автомобиль заводи автомашиналарига дисклар ишлаб чиқарувчи завод фойдаланишга топширилди.

● Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги Сочак қишлоғи аҳолисининг қувончи чексиз. Бугун бу ерда яшовчи болалар янги ўқув йилини 840 ўринли мактабда бошладилар. Янги илм маскани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

● Мустақиллик байрами арафасида Тошкентда ўз эшикларини очган Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг янги солиқ коллежида бугун ўқувчилар янги ўқув йилини бошладилар.

● Наманган вилоятида Оила йилига бағишланган учта кўрик-танлов эълон қилинди. Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, шунингдек «Нуроний», «Олтин мерос», «Камолот» республика жамғармаларининг ҳамда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлимлари унинг ташаббускорлари бўлишди.

● «Энг яхши китоблар — болаларга!» шиори остида Давлат матбуот қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган анъанавий кўрик-танловга якун чиқарилди.

● Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида Қирғизистон Мустақиллиги куни шарафига қабул маросими ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

● Кеча АҚШ Президенти Билл Клинтон расмий ташриф билан Москвага келди. Шу куннинг ўзидаёқ АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Россия Президенти Борис Ельцин Россиядаги молиявий тангликни, халқаро муаммолар ва икки томонлама муносабатларни муҳокама қилдилар. Билл Клинтон Москвадаги мактаблардан бирига ташриф буюрди, Халқаро муносабатлар институти талабалари ҳузурида сўзга чиқди. Ташриф якунлари бўйича Россия — Америка ҳужжатларини, шу жумладан икки мамлакат Президентларининг XXI аср бўсағасидаги хавфсизлик тўғрисидаги қўшма баёнотини имзолаш режалаштирилган. Россияга ташриф якунлангандан сўнг Билл Клинтон Шимолий Ирландияга йўл олади.

● 31 август куни Қирғизистон Мустақиллик кунини нишонлади. Ана шу байрам муносабати билан Бишкекда тантаналар ва ҳарбий парад ўтказилди.

● Кеча Россия Бош вазири вазифасини бажарувчи Виктор Черномирдин ҳукуматни тузиш бўйича Президентга ўз таклифларини тақдим этди. Борис Ельцин ҳукуматни ана шу ҳафта ичида тузиш зарур деб ҳисоблайди. Лекин Бош вазирни тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳанузга қадар ҳал этилгани йўқ. Бу масала 31 август куни бўлиб ўтган Давлат Думасининг мажлисида қайтарилган эди. Президент яна Черномирдин номзодини Дума тасдиғига киритди.

● Франция пойтахтида болаларнинг янги боғи очилди. Унга Уэльс маликаси Диананинг номи берилди.

● Толиблар томонидан ағдариб ташланган Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний БМТ Бош котиби Кофи Аннанга мурожаат қилиб толиблар томонидан этник тозалаш бўйича тергов ишларини олиб бориш мақсадида махсус Халқаро комиссияни мамлакатга юборишини илтимос қилди.

● Эрон ҳукумати бундан бир қанча вақт муқаддам «Толибон» ҳаракати томонидан Мозори Шариф шаҳрида асир олинган 12 фуқаросини қутқариш учун барча имкониятларини ишга солади, деди Эрон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Муҳсин Аминзода. Унинг айтишича, асирга олинган 11 дипломат ва ИРНА ахборот агентлиги мухбири ҳозирча соғ-саломат.

● «Хамас» ҳаракатининг маънавий раҳбари Шайх Аҳмад Ясин Тель-Авивдаги портлашда «Хамас»нинг қўли йўқлигини айтди.

● 31 августда Мозамбик халқи ўзининг миллий байрами — Мустақиллик кунини нишонлади.

● Бугун Вьетнам халқи ўзининг миллий байрами — Мустақиллик кунини байрам қилмоқда.


**61/64-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Техник сабаблар муносабати билан 10 сентябрга қадар ана шу йўналишдаги абонентларда алоқа бўлмайди.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» акциядорлик жамияти.**

# БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ



*Бизнинг суҳбат*

## ТАЪЛИМНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

***Бугун шаҳримизнинг барча мактабларида янги ўқув йили бошланди. Янгиланиш сари интилаётган пойтахт халқ таълими соҳасидаги ўзгаришлар хусусида шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатлашдик.***



*Омон Муҳаммаджонов олган суратлар.*

**— Ҳамидулла Қаюмович, бугунги кунда шаҳар халқ таълими соҳаси қандай ўзгаришларни бошидан кечирмоқда?**

— Сўзимни Президентимизнинг куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясидаги маърузаларидаги таълим тизими хусусида билдирган фикрларидан бошламоқчиман. Йўлбошчимизнинг «Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга беш бармоқдай, эскича айтганда, тўққиз пулдай аён бўлсинким, таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас» деган сўзлари ҳар биримизга катта масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг долзарби халқ таълими соҳасида рўй бераётир. Ҳозирги пайтда шаҳримизда 352 та умумтаълим мактаблари, жумладан, 4 та бошланғич, 55 та таянч, қолганлари эса ўрта мактаблар бўлиб, шулардан 15 та катталар таълим маркази, 28 та жисмоний нуқсонга эга бўлган болалар учун махсус мактаблар ва мактаб-интернатлардир. Кейинги йилларда пойтахтимизда янги турдаги таълим муассасалари сони анча кўпайди. Булар 28 та гимназия, 17 та лицей, 100 га яқин айрим фанларни чуқур ўқитадиган мактаблар, 38 та янги турдаги мактабгача тарбия муассасаларидир. Улар асосан иқтидорли болаларни танлаб олиб, юқори даражада илм берадилар. Бу ишга олий ўқув юртлари ўқитувчиларини ҳам жалб қилганмиз.

Сўнгги пайтларда хорижий давлатлар билан халқ таълими соҳасида ҳамкорликлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, 60-мактабда Германия билан ҳамкорликда марказ очилди. Бу ерда болаларга немис муаллимлари дарс беришмоқда. Шунингдек, 91, 29, 17, 51, 306, 309-мактаблар ЮНЕСКО ўқув дастурлари бўйича олиб бориладиган фаолиятга аъзодирлар. Яккасарой туманида иврит тилига ихтисослашган 321-мактаб очилди. Бундан ташқари Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳри таълим бошқармаси билан олиб борилаётган ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида бошқармамиз қошида Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази ташкил этилди. Унинг туманларда ҳам бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

**— Бу йил ёз бўйи кўпчилик ота-оналар ўқув дарсликлари ва қўлланмаларни харид қилиш тадоригини кўрдилар, десак тўғри бўларди...**

— Дарҳақиқат, бу йил деярли барча дарсликлар ва ўқув қўлланмалари янгидан нашр қилиниб, савдога чиқарилди. Барча умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда махсус мактаб-интернат ўқувчиларини дарсликлар билан бепул таъминлаш назоратга олинди. 1-синф ўқувчилари учун Президент совғаси сифатида 18 номдаги салкам 600 минг нусхада 30 миллион сўмлик дарслик ва қўлланмалар топширилади. Шунингдек, ўқув йили бошланиши арафасида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига мактаб кутубхонаси фонди томонидан дарсликларни бепул бериш ҳам йўлга қўйилди.

**— Кўпдан бери эътиборда бўлган масалалардан бири мактаб кийими эди...**

— Ҳа, бу масала нафақат биз педагогларни, балки ота-оналарни ҳам ўйлантириб келарди. Шунга кўра бош бошқармамиз томонидан бир қанча чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, Республика модалар уйида ва 17-мактабда мактаб кийими кўргазмаси ўтказилди. Бундай тадбирлар Юнусобод, Шайхонтоҳур, Ҳамза туманларида ҳам уюштирилиб, унга мактаб раҳбарлари, ота-оналар, ўқувчилар, маҳалла вакиллари таклиф этилди. Бундай мактаб кийимлари кўпчилик томонидан маъқулланди.

**— Навбатдаги ўқув йили янгиликлари хусусида ҳам гапирсангиз.**

— Бу йил барча мактабларда биринчи дарс «Мустақиллик дарси» дея номланади. Унда халқимизнинг асрлар давомида босиб ўтган йўли, жумладан, мустамлака йиллари, истиқлолга эришган дамлари, бугунги кундаги иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар, порлоқ келажакка бўлган ишонч мавзулари ўқувчилар онгига сингдирилади. Бу йил шаҳримизда 2 та янги мактаб фойдаланишга топширилди. Пойтахтимиз бўйича бу йил мактаб остонасига илк бор 43 минг бола қадам қўйди.

Фурсатдан фойдаланиб, халқ таълими соҳасидаги кадрлар масаласида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Бу йил мактабларга 700 ёш мутахассис ва 1500 талаба қадам қўйди. Улар тажрибали мутахассислар ёрдамига ҳамда жамоанинг дўстона муносабатига муҳтождирлар. Тажриба шуни кўрсатадики, мактабга янги келган ўқитувчига бўлган ҳурмат, ёрдам унинг кейинчалик бу жамоа аъзоларини ўзининг энг яқин кишилари сифатида билиши, бу мактабда ўрнашиб қолишига сабаб бўлади. Бу эса таълим муассасасида педагогик кадрлар масаласининг ижобий ҳал этилишига ёрдам беради. Ўйлайманки, ушбу ижобий ўзгаришлар билимга чанқоқ ёшларни етиштиришда, халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларни янада жадаллаштиришга ўзининг самарали ҳиссасини қўшади.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.*

---

*Хабарингиз борми?*

## ТОШКЕНТЛИК САЙЁҲ

### ДУНЁ БЎЙЛАБ УЧ ЙИЛЛИК САФАРГА ЙЎЛ ОЛДИ



***Яқинда маҳалладошлар гурунгида Мурод Қосимов янги бир гапни айтиб қолди.***

***— Оғайнилар, гап бундай: дунё бўйлаб уч йиллик сафарга чиқаяпман...***

***Даврадагилар ҳангу манг бўлиб қолишди.***

***— Ё тавба! Рост гапми? — ёқа ушлаб сўради ўтирганлардан бири.***

***— Ҳазилингни қўйсангчи, — танбеҳ берган бўлди бир тенгдоши.***

***— Ёшингиз бир ерга бориб қолган бўлса... Қийналиб қолмасмикансиз? — Гапга аралашди яна кимдир.***

***Тасодифга йўйди бошқалар.***

***Хуллас, ўша куни биров у деди, биров бу деди.***

***Лекин, Мурод Қосимовнинг сафарга отланиши тасодиф ҳам эмас, ҳазил гап ҳам эмас — бор ҳақиқат эди.***

У ёшлигидан сайёҳликка орзуманд эди. Ўқишда бўлсин ёки ишда бўш вақт топиши билан сафарга отланар, гоҳ пиёда, гоҳ велосипедда республикамиз шаҳар ва қишлоқларини айланар, самолёт ёки поездда узоқ-узоқларга сафар қилар эди. Шу тариқа унинг дилида дунёни кезиш орзуси куртак ёза бошлади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, Мурод Қосимовда эзгу ниятига эришишига қатъий ишонч пайдо бўлди. Шу боис бу ишга астойдил имкониятлар яратилиб, тинимсиз машқ қилди. Сўнгги икки-уч йил мобайнида республикамизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларини гоҳида пиёда, гоҳида велосипедда айланиб чиқди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз сингари кўҳна шаҳарларда бўлиб, тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди. Бу юришлар уни катта сафар олдидан жиддий синовдан ўтказди.

Мана, орзиқиб кутилган кунлар етиб келди. Республикамиз Мустақиллигининг шонли етти йиллиги кенг нишонланган кунларда, аниқроғи

**БУГУН**

***2 сентябрда сайёҳ велосипедда узоқ сафарга йўл олди.***

Шу куни «Олимпия шон-шуҳрати музейи» ҳовлисида уни кузатишга тегишли ташкилотларнинг вакиллари, ёр-биродарлар, қариндош-уруғлар тўпланишди. Роппароса уч йил давом этадиган бу сафар гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимизнинг 10 йиллик тўйи тантаналарига бағишланган бўлиб, 2001 йилнинг 1 сентябрь куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида ниҳоясига етади.

Сафар давомида сайёҳ дунёнинг 25 мамлакатида бўлиши режалаштирилган. Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон, Арманистон, Туркия мамлакатлари ҳудудларидан ўтилгач, Сурия, Иордания, Саудия Арабистонига қараб йўл олинади. Сўнг сафар бошқа давлатларда давом эттирилади.

Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси сайёҳга ҳомийлик қилмоқда. Бошқа бир қатор ташкилотлар ҳам бу тадбирни қўллаб-қувватлаб, ўз ёрдамларини берди. Жумладан, Ўзбекистон — Америка «Олимп» қўшма корхонаси узоқ сафарга чидайдиган махсус велосипед тайёрлаб берган бўлса, «Тоҳир Малик» фирмаси ишчи-хизматчилари эса сайёҳга ва велосипедга мослаб ҳар хил жиҳозлар тикиб беришди.

Шундай қилиб, шаҳримизнинг Сергели туманида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси — 54 ёшли истеъфодаги капитан Мурод Қосимов ўзбек сайёҳлари орасида биринчи бўлиб дунё бўйлаб сафарга чиқаяпти. У ўзи билан бирга киндик қони тўкилган диёримизнинг бир ҳовуч тупроғини, республикамиз байроғи ва гербини, кўҳна шаҳарлар фотосуратлари жамланган альбомни олиб кетди. Мақсади битта: у ҳам бўлса келажаги буюк давлатимизнинг Мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларини, тарихан қисқа вақт ичида содир бўлган туб ўзгаришларни дунё халқига сўзлаб беришдан, намойиш этишдан иборат.

— Шу юрт фарзанди бўлганлигимдан фахрланаман, — дейди Мурод Қосимов сафар олдидан биз билан суҳбатда. — Модомики, эзгу ниятларим республикамиз мустақилликка эришгач амалга ошаётган экан, истиқлол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистонимизни жаҳон афкор оммасига кўз-кўз қилиш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Биз машаққатли, масъулиятли, лекин шарафли сафарга отланаётган юртдошимизга Тангридан оқ йўл тилаб қоламиз.

Орзу-умидларингиз қувватли, сафарингиз бехатар бўлсин, ҳамшаҳар!

*Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.*

---

*Сўз — талабаларга*

## ДАСТЛАБКИ САБОҚЛАР

***Бу йил қанчадан-қанча ёшлар тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юрт талабаси бўлдилар. Улар ўқув йилининг дастлабки кунини интиқлик билан кутгандилар, албатта. Қуйида бу талабалар билан қилинган суҳбатнинг айримларини келтирдик.***

**• Сожида АЛЛАЁРОВА,**
**Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университетининг биология факультети талабаси:**

— Дарҳақиқат, мен бу кунни жуда интиқлик билан кутган эдим. Лекин, тан олишим керакки, унга етишиш осон бўлмади: тест синовларига тайёрланиш жуда катта куч ва вақт талаб этди. Шу билан бирга бу синовлар ҳақиқатан ҳам адолат мезони экани яна бир бор тасдиқланди. Шунинг учун бугунги кунда талабалик гувоҳномасини олганлар илмга чанқоқ, ватанимиз равнақи учун бор куч ва имконини, маҳоратини сарф этишга тайёр ёшлар эканига ишонаман. Биз эртанги кун эгаларимиз. Бу ҳол бир жиҳатдан ўта масъулиятли бўлса, бир жиҳатдан шарафли ҳамдир. Зеро биз қураётган жамият инсондан катта куч-қудратни талаб этади, бунга эса ҳар ким ҳам қодир эмас.

**• Ғанижон УМАРХЎЖАЕВ,**
**Тошкент Давлат техника университетининг талабаси:**

— Тўғри, ўқув йилининг биринчи куни катта байрам, лекин у аввалги худди шундай кунларга бу сафар ўхшаш эмас, балки бироз ўзгачароқ. Бу йилдан бошлаб ҳукуматимиз қабул қилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби ҳужжатлар том маънода ўзини амалда ифода этади. Ушбу иккала ҳужжат билан чуқур танишиб чиқдим. Ва талаба сифатида айтишим мумкинки, улар юртимизда таълим-тарбия беришнинг мустаҳкам, асосли тизимини шакллантириш, мазмунан бой таълим мазмуни пойдеворини қўйиш, юқори малакали, изланувчан ижодкор, хорижий мамлакатлардаги мутахассислар билан рақобатлаша оладиган кадрлар тайёрлаш омилидир. Шундай экан, бугунги кунда талабалик номига сазовор бўлган ёшлардан илм эгаллашда, маҳорат касб этишда тиришқоқлик, изланувчанлик талаб этилади.

**• Музаффар ХАМДАМОВ,**
**2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультети талабаси:**

— Ёшлигимдан шифокор бўлишни орзу қилардим. Шу кунларда бир умр ўйлаб юрган ниятимга етгандекман, худди оппоқ кийимда беморхонага кириб келаётганга ўхшайман. Бундай қувончли дамлар юртимиз истиқлолга эришган байрамларига уланиб кетиши ажиб бир ҳиссиёт пайдо қилади кишида. Зеро халқимиз ҳам мустақиллик дамларини узоқ кутганди. Узоқ кутилган орзунинг рўёбга чиқиши қанчалар тотли эканини шундай ҳиссиётни бошидан кечирганлар билади.

*Талабалар сўзларини Мурод РАҲИМОВ ёзиб олди.*

---

*Назм*

### БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

*Мактабжон, жон мактабим,*
*Энди сенга етишдим.*
*Ўқиш эди матлабим,*
*Қўнғироғинг эшитдим.*
*Биринчи қўнғироқ!*

*Боғча қолди бу ёнда,*
*Энди мактабга йўлим.*
*Туриб ҳар кун азонда*
*Юваман юзу қўлим!*
*Биринчи қўнғироқ!*

*Шошиламан, жилдимда*
*Китоб, дафтар, қаламим.*
*Янграб турар тилимда:*
*Устозимга саломим!*
*Биринчи қўнғироқ!*

САЙЁР.

### ЎҚИТУВЧИМ — УСТОЗИМ

*Ўқитувчим, азиз устозим,*
*Сизга доим қилурмиз таъзим.*

*Дарс берасиз дилдан қувониб,*
*Тинглагаймиз меҳрга қониб.*

*Илм йўлин бизга очдингиз,*
*Қалбимизга зиё сочдингиз.*

*Ўқиб, билдик илмлар тилин,*
*Ҳисоби йўқ жумбоқлар сирин.*

*Катталарга ҳурмат доимо,*
*Сиз туфайли қалбимизда жо.*

*Сизга неча «Раҳмат!» десак оз,*
*Сиз ҳамиша меҳрибон устоз.*

*Бошимизга қўнган Ҳумо,*
*Минг тасанно Сизга доимо!*

*Бахтимизга яшанг, бор бўлинг,*
*Бизни кўриб, қувончга тўлинг!*

Темур ТУРСУН.

---

*Миллий дастур*

## БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

***Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингач, пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги мактабгача тарбия муассасаларида «Болаларни мактабга тайёрлашда ота-онанинг роли», «Мактабга ҳар томонлама етук болаларни етказайлик», «Мактабгача ёшдаги болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш» сингари мавзуларда ота-оналар билан қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда. Яқиндагина тумандаги Чуқурсой маҳалласида жойлашган 52-болалар боғчасида ҳам «Болаларни мактабга тайёрлаш барчамизнинг бурчимиз» мавзусида ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди.***

Бугунги кунда болаларни мактабга тайёрлаш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Уларни олти ёшдан 1-синфга қабул қилиш таълим муассасалари учун янгилик эмас. 1998-99 ўқув йилидан бошлаб олти ёшли болаларни мактабга қабул қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ туман халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази томонидан бериладиган тавсиялар асосида ҳал этиладиган бўлди. Марказ 6 ёшли болаларнинг умумий ривожланишига, психологик-педагогик ва тиббий нуқтаи-назардан ташхис қўяди ва шу асосда уларга йўлланма берилади.

Олти ёшли болаларни мактабга тайёрлашни болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳларида, мактабдан ташқари қўшимча таълим муассасаларида очилган махсус курсларда, мактаб-боғча ҳамкорликда ташкил этилган тайёрлов гуруҳларида, алоҳида репетиторлар ёллаган ҳолда хонадонлар ёки ўқув муассасаларида амалга ошириш мумкин.

*Ҳолида МИРСАЛИМОВА.*

---

*Дил тубидан*

## МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ

***Ҳар йили ўқув йилининг биринчи куни ҳеч бир инсон учун оддий кундай ўтмайди. Кўпчилик шу кунни фарзандларини яна мактаб қучоғига топшириш билан ўтказади. Агар боласи илк бор мактабга чиқаётган бўлса, янада бошқача туюлади унга бу кун. Ҳеч бўлмаганда шу куни киши ўзининг ўқувчилик йилларини бир бор эслаб қўяди. Чунки ўқув йилининг биринчи куни оҳорли кийиниб, даста гуллар кўтарганча қалбда қувонч, юзда мамнунлик билан мактабга ошиқмаган инсон бўлмаса керак.***

Мен ҳам ўз вақтида ўқувчи бўлганман. Ҳозир мен ўқиган мактабга фарзандларим қатнамоқда. Мактаб биноси ўшанда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай: ўша синф хоналари, ўша кутубхона, ўша боғ, ўша ҳовли. Лекин бугунги ҳаёт бошқача. Биз ўқиган даврларда биринчи дарс «Ленин дарси» бўларди. Ўшанда сохталаштирилган тарихга кўр-кўрона ишониб, муаллимнинг «эртак» айтаётган оғзига тикилиб ўтирардик. Қолган дарслар аввалгидай бир-бирига ўхшаб давом этаверарди. Ҳар йили шу ҳол такрорланарди.

Шукрки, юртимиз мустақилликка эришиб, ҳаммаси ўзгарди. Шукрки, фарзандларимиз чўпчак эмас, балки ҳақиқий тарихни ўрганадиган бўлишди. Бугунги кунда барча мактабларда ўқув йилининг биринчи кундаги илк дарслар «Мустақиллик дарси»га айлантирилди. Унда болажонлар юртимизнинг ҳаққоний тарихи, бугунги кундаги иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, буюк келажак қуришга интилаётган жамиятимизнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Бу тасаввур улар қалбида миллий ғурурни уйғотади, орзуларига қанот бағишлайди. Элга хизмат қилишдек шарафли ишга ҳисса қўшишга ҳавас уйғотади, келажакка катта ишонч билан қарашга ундайди.

Ўқув йилининг биринчи куни ҳамма учун байрам. Чунки шу куни келажагимиз эгалари бўлган фарзандлар ақлан, маънан бир карра улғаядилар. Бу улғайиш порлоқ кунлар сари қўйилган яна бир қадам бўлади.

*Мақсуд РАЖАБОВ.*

---

**Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР






Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0318. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.